



SOME PROBLEMS OF SOCIO-POLITICAL DEVELOPMENT OF MODERN CIVIL SOCIETY

Ikramjon Batirovich Masharipov

*candidate of political sciences, Associate Professor
Tashkent Financial Institute
Tashkent, Uzbekistan*

E-mail: ikrommasharipov1967@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: World community, economic, environmental, socio-political processes, non-governmental non-profit organizations, civil society, self-government bodies, global governance.

Received: 12.02.24

Accepted: 14.02.24

Published: 16.02.24

Abstract: The article analyzes the place and role of civil society in modern conditions, the social, economic, political, environmental and other problems of the world community, as well as the transparency of national borders, new communication technologies, the increasing influence of public opinion and other factors to continue a broad dialogue with civil society. The author's opinion is that it creates the need for effective management at different levels - from global to local.

ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРАҚКИЙ ЭТИШИНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Икрамжон Батирович Машарипов

сиёсий фанлар номзоди, доцент

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: ikrommasharipov1967@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жаҳон ҳамжамияти, иқтисодий, экологик, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, глобал бошқарув.

Аннотация: мақолада бугунги кунда фуқаролик жамиятининг замонавий шароитдаги ўрни ва роли, жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа муаммолари таҳлил қилинган, шунингдек, Миллий чегараларнинг шаффоғлиги, янги коммуникация технологиялари, жамоатчилик фикри таъсирининг кучайиши ва бошқа омиллар фуқаролик жамияти билан кенг мулоқотни давом эттириш учун турли

даражаларда – глобалдан маҳаллийгача бўлган самарали бошқарув зарурлигини келтириб чиқаришини муаллиф муроҳазалари шакллантирилган.

НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Икрамжон Батирович Машарипов
кандидат политических наук, Доцент
Ташкентского финансового института
Ташкент, Узбекистан
E-mail: ikrommasharipov1967@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Мировое сообщество, экономические, экологические, общественно-политические процессы, негосударственные некоммерческие организации, гражданское общество, органы самоуправления, глобальное управление.

Аннотация: В статье анализируются место и роль гражданского общества в современных условиях, социальные, экономические, политические, экологические и другие проблемы мирового сообщества, а также прозрачность государственных границ, новые коммуникативные технологии, усиление влияния общественного мнения. и др. факторы для продолжения широкого диалога с гражданским обществом, что, по мнению автора, создает потребность в эффективном управлении на разных уровнях - от глобального до локального.

КИРИШ

Замонавий даврда "қонун устуворлиги" ва "фуқаролик жамияти" нафақат бир жамият тизимининг элементи, таркибий қисмлари, балки ўзаро ривожланишини ҳам белгилайдиган тушунчаларга айланмоқда. "Қонун устуворлиги" ва "фуқаролик жамияти"нинг ўзаро таъсири "мазмун ва шакл" умумий фалсафий тоифасининг ҳаракатларига мувофиқ содир бўлади. Фуқаролик жамияти маълум бир қисқа даврда юқори даражада ривожланган тизим сифатида пайдо бўлмайди, у аста-секин қуи турдаги жамоалардан ўсиб боради. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши давлатчиликнинг мустаҳкамланиши, мулкчиликнинг турли шаклларининг ривожланиши фонида амалга оширилмоқда. Демократиянинг ривожланиши билан фуқаролик жамияти давлат васийлигидан тобора кўпроқ чиқиб бормоқда ва уларнинг ўзаро таъсири ҳақида савол туғилади. Давлат аппарати ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини тўлиқроқ очиб бериш учун "фуқаролик жамияти" таърифининг мазмунини кўриб чиқиш керак. Фуқаролик жамияти" тушунчаси "давлат" тушунчаси каби қадимий ва ўзининг узок ривожланиш босқичалрига эга боэган тушунчадир. Давлатда яшовчи фуқаролар фуқаролик жамиятини ташкил қиласи, деган тезисни биринчи бо'либ илгари сурган олимлардан бири Арасту

эди. У “Давлат нима эканлигини аниқлашдан олдин фуқаро тушунчасини аниқлаб олиш керак, чунки давлат фуқаролар йиғиндиси, фуқаролик жамиятидан бошқа нарса эмас”, деб ёзган еди [1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда жаҳоннинг илғор мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари - сиёсий партиялар ва сайловларни халқаро ташкилотлар томонидан назорат қилиш ҳамда уларни халқаро мөърий хужжатлар ва миллий қонунчилик асосида фаолият олиб боришлари анъанага айланмоқда фуқаролик жамияти инсон хуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатларини фақат демократик конституциявий давлат ва ривожланган фуқаролик жамиятининг ўзаро саъи-ҳаракатлари билангина яратиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Фуқаролик жамияти - давлат билан ўзаро муносабатларда конфронтацияларидан тортиб то прагматик шерикликгача бўлган турли стратегиялардан фойдаланмоқда.

Демократик парламент ва ижроия ҳокимиятини шакллантиришда сайловларнинг ўрни ошиб бораётганлиги сабабли уларнинг трансформациялашуви жараёнида сиёсий партияларнинг “ѓоявий инкубаторлар” ролидан самарали фойдаланиш, парламент ва партиявий назорат функцияларининг хуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партияларнинг бошқарув элитасини рекрутлаш функцияларини ташкилий-хуқуқий жиҳатларини шакллантириш, давлатнинг марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида “smart management” бошқарув усусларини жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жаҳонда фуқаролик жамиятининг конституциявий-хуқуқий, ижтимоий-сиёсий, информацион-коммуникатив асосларини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг иштирокини янада такомиллаштириш энг долзарб масала сифатида ўзини намоён қилмоқда. Фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шарти борасида, аҳолини сиёсий ижтимоийлашиши ҳамда ижтимоий прагматизмнинг кучайиши шароитида шаклланётган янги тармоқларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимдаги ўрнини аниқлаш, демократик сиёсий жараённинг муҳим элементи - партиялараро рақобатнинг институционал-функционал ҳамда ташкилий-технологик йўналишларини амалиётга жорий этиш муаммоси ўз ечимини кутаётган масалага айланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби ғарб ва шарқ давлатларида фуқаролик жамияти институтлари тараққий этган. Шунинг учун бу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш, олинган илмий натижаларни, транформациялашув жараёнидаги мамлакатлар ислоҳотларига тавсия қилиш мақсадида фуқаролик жамиятига оид тадқиқотлар мавзусини шакллантириш долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон 2017 йилдан бошлаб, ривожланган давлатларга хос ривожланиш йўлига ўтди, мамлакат дунёга очилди, унинг жаҳон интеграциясига кўшилиши тезлашди, давлат ва жамият қурилиши халқаро ташкилотлар талаблари ва ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ривожлана бошлади. Шу даврда фуқаролик жамиятининг энг асосий принципи – инсон эркинлиги ва хукукини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Дунёнинг энг ривожланган давлатлар Ўзбекистондаги туб ўзгаришларни нафақат эътироф этмоқда. Бу даврда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” гояси фуқаролик жамияти қуришининг асосий принципига айланди. Хусусан, фуқаролик жамияти институтларини ривожланиш ислоҳотлари Янги Ўзбекистонни ва учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш жараёнларига узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда.

Фуқаролик жамияти бир неча минг йиллар инсоният тарихида яратилган инсониятнинг ўюшиб яшашга доир тажрибалари ҳосиласи ўлароқ шаклланди. Фуқаролик жамиятининг шаклланишига оид дастлабки назарий қарашлар қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (хитойча: Кун-цзи, эр. авв. 551-479 йй.) асарларида мужассамлашган. У таназзулга юз тутган жамиятни соғломлаштиришда ва давлатни бошқаришда маънавий ҳамда ахлоқий қадриятларнинг ролига юксак баҳо беради: «Агар (жамият) қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қиласи, лекин бунда улар ўзларида ор-номусни хис қилмайдилар; агар улар «дэ» (маънавият-ахлоқ) ёрдамида бошқарилса, тартибот эса маънавий қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни хис қиласи, ҳалол ва соғдил бўлишга ҳаракат қиласи».

Ҳозирги давр фуқаролик жамиятига доир назарий асосларни шаклланишида Платоннинг (эр.авв. 427-347 йй.) хизмати каттадир. У ўзининг «Қонунлар» асарида қуйидаги фикрни билдирган: «Давлат қурилишининг гўё онадек икки тури бор, хукуқан айтиш мумкинки, улардан қолганлари туғилганлар. Улардан биринчиси деб мутлақ хукмдорликни ва демократияни эса, иккинчиси деб кўрсатса тўғри бўлади. Мутлақ хукмдорлик (монархия) форсларда олий ривожга етиб борди, демократия бизда».

Жаҳон тарихида фуқаролик жамиятига доир назарияларни ривожлантиришга қадимги юонон файласуфи Аристотель (эр. ил. 384-322 йй.) ҳам катта хисса қўшди. «Фуқаролик жамияти» тушунчасининг дастлабки асослари Аристотель изланишларига бориб тақалади. Мазкур жамиятни Аристотель «politike koinonia», яъни «сиёсий бирлик ҳамжамияти», деб атаган эди.

Илк ўрта асрларда фуқаролик жамиятининг унсурларини ривожлантиришга катта хисса қўшган мутафаккир ватандошимиз Абу Наср Форобийдир (873-950 йй.). У ўрта асрлар муҳити шарт-шароитларида фозил жамиятнинг тарихини – лойиҳасини яратган эди. Форобийнинг қуйидаги фикрлари бундан гувоҳлик беради: "Маданий жамият ва маданий шахар (ёки

мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайн бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон (яъни, подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади». Мазкур фикрлардан кўриниб турибдики, Форобий тасвирлаган «маданий жамият»га тегишли хусусиятлар ва белгилар – бевосита фуқаролик жамиятининг унсурларидир. Айниқса, фозил жамиятда инсонларнинг эркин ва teng ҳукуқли бўлиши ғояси фуқаролик жамиятининг асосий талабини ифодалаб беради.

Ғарбий Европада фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки тасаввурлар XVI асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Дастлаб голланд файласуф олимлари Г.Гроций (1583-1645 йй.) ва Б.Спиноза (1632-1677 йй.) фуқаролик жамиятининг муҳим жиҳати – шахс эркинлигини устувор ва долзарб масала сифатида кўтариб чиқди. Шунингдек, инглиз мутафаккири Ж.Локк (1632-1704 йй.) ва немис файласуфи И.Кант (1724-1804 йй.) «фуқаролик жамияти» тушунчасини давлатни ичиди, давлат билан биргаликда, давлатга қарамлика, деган фикрни билдиришди. Инглиз файласуфи Т.Гоббс (1588-1679 йй.), француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье (1689-1755 йй.)лар эса, биринчилардан бўлиб жамиятда эркинлик ва индивидуализм ғоясини илгари суриб, шахс эркинлигини жамиятни ривожлантиришнинг асоси, деган хulosага келишди.

Француз мутафаккирлари Ж.Ж.Руссонинг (1712-1778 йй.) ёзиича, ҳалқнинг ҳукуқи унинг ўзи илгари сурган ижтимоий шартномага асосланади: жамият ва давлат тимсолидаги ҳалқ ва ҳукумат ўртасида тузиладиган шартнома миллатнинг барча аъзолари ўртасида тузилганидагина у инсон ҳукуқларини ҳимоялашга қодир бўлади. Мазкур тузилган шартнома шунчаки ижтимоий атомлар қоришмаси ёки фақат индивидуумлар жамланмаси эмас, балки ҳамюрлар-ватанпарварлар ҳамжамиятидир. Мазкур ҳамжамият «ҳар вақт доимий, ўзгармас ва шаффофдир». Бу ҳамжамият ҳеч қачон бўлинмайди, у ўзида бирдамликдаги ҳалқ суверенитетини ифодалайди, ҳукумат ҳалқ иродасидан келиб чиқиб ўз зиммасига ижроия ҳокимиятини амалга оширишни ҳалқ топшириғи сифатида ўзига вазифа қилиб олади. Умуман, Руссонинг фуқаролик жамиятига доир назарий тасаввурлари, айниқса, “ҳалқ суверенитети” қоидасини илгари суриши ўша даврдан бошлаб фуқаролик жамиятига доир назарияларни ривожлантиришга катта туртки бўлди.

Фуқаролик жамияти назарияси ривожига ўзига хос ўрин тутган мутафаккирлардан яна бири – бу И.Кантдир (1724-1804 йй.). Унинг фикрича, “шахсдаги хусусий мулкчиликка нисбатан мойиллиги – бу фуқаролик жамиятининг яшаш гаровидир, мулк азал пайдо бўлмаган, у кейинги замонлардаги кишилик жамиятида пайдо бўлган “меники” ва

“сеники”ларнинг бир-бирларидан ажралиши ўлароқ, яъни тарихий эволюция натижасида хосил бўлган”.

Фуқаролик жамияти тушунчасини тасаввур этишга муҳим ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири бўлган немис классик файласуфи Г.Гегелнинг (1770-1831 йй.) таъкидлашича, «фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг хуқуки давлатнинг шахсий хуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат «ўзининг зиммасига» менинг хуқуқларимни худди ўзининг хуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади».

Хозирги давр Ғарб назариётчилари фуқаролик жамиятини моделини қуидаги институтлар ва соҳалардан иборат эканлигини эътироф этишади: биринчидан, плюрализм: ижтимоий соҳаларда, жамиятда, ундаги нодавлат нотижорат ташкилотларда (ННТ), турли ижтимий қатлам ва гурухларда плюрализмнинг мавжудлиги;

иккинчидан, ҳаёт эркинлиги: турли ижтимоий-маданий ва коммуникация соҳасидаги институтлар;

учинчидан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги: шахснинг ривожланиш шарт-шароитларининг мавжудлиги, фуқароларда хулқий фазилатларни танлаш эркинлигининг мавжудлиги;

тўртинчидан, қонунийлик: фикрлар ва дунёқарашлар турфалигини қонун доирасида кечиши мақсадида универсал қонунлар қабул қилиш, инсоннинг ўз фаолиятида давлат органлари таъсиридаги мустақиллиги, унинг иқтисодий муносабатларда дахлсиз бўла олиш шароитларини мавжудлиги. Мазкур омиллар ва институтларнинг биргалиқдаги ва уйғунликдаги ўзаро таъсири, бир-бирларини тақозо этиши фуқаролик жамиятининг яшаётганлигини англатади».

- давлатни бошқаришга оид сиёсий қарорларнинг ҳалқчил ва демократик қадриятлар асосида қабул қилиниши мамлакатдаги фуқаролик жамиятининг нечоғлик ривожланганлик даражасининг ўзига хос мезонидир. Сиёсий қарорларни қабул қилишгача бўлган даврда уларнинг лойиҳаларини партияларнинг қуий органлари томонидан фуқаролар иродалари ва истакларини инобатта олган ҳолда, шунингдек, оддий фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёjlари асосида шакллантириш имкониятлари мавжуд. Шунинг учун ҳам партиялар бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларни демократик легитимлаштириш, жамият томонидан тан олинишини таъминлаш воситасидир; партиялар турли даражадаги сайловлар воситасида ҳокимиятни шакллантириш, бошқарув кадрлар тизимини легитимлаштириш, шунингдек, унинг фуқаролар томонидан эътироф этилишини таъминлаш омилидир.

Сиёсий партиялар ижтимоий қатламларнинг у ёки бу сиёсий манфаатларини ифода этибгина қолмасдан, балки, бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита фаол иштирок этади. Чунки, партия ўзининг ижтимоий базаси бўлган табақанинг сиёсий қарашларини

шакллантиришга доир маърифий тадбирлар ўтказиш билан шуғулланмаса, у ҳолда фуқаролардаги сиёсий қарашлар ва сиёсий манфаатлар ўз моҳиятини топмайди, жуда бўлмаганда, бу манфаатлар гуруҳий манфаатлар даражасига кўтарила олмайди. Сиёсий партиялар томонидан аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига хассослик билан ёндашиш, партиялар иштирокида фуқароларнинг ўта муҳим манфаатлари юзасидан қарорлар қабул қилиш, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга амалий танқидий тузатишлар киритиш, сиёсий элита фаолиятини демократик назорат қилишни амалга ошириш каби ижтимоий-сиёсий ҳаётда анъанавий тус олган партиявий қадриятларни мисол келтириш мумкин. Ўзини ўзи бошқариш органлари бир неча асрлар илгари давлатнинг қуий маҳаллий бошқарув функцияларини бажарувчи сиёсий ташкилотдан XX асрга келиб фуқаролик жамияти институтига айланишгача бўлган катта тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ғарб сиёсатшуносарининг фикрича, «ўзини ўзи бошқариш» тушунчаси давлатга нисбатан фуқаролар жамоалари мустақиллигининг шаклланиши билан боғлиқдир.

Илғор хорижий мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш тизими бир неча юз йилларда шаклланиб, у XX асрга келиб демократик характер касб эта бошлади. Ривожланган мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органларини сайловлар йўли билан шакллантириш, улар фаолиятини молиялаштириш, фуқароларни ўзини ўзи бошқаришда, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларидағи иштироки, мазкур органларни аҳолининг ижтимоий-иктисодий аҳволини яхшилашдаги ўрни юксак мақомга кўтарилиди. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ)нинг мақсади ижтимоий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоялашдан иборат. Бу тушунча Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилиб, у ривожланиш бўйича ҳамкорлик соҳасида кенг фойдаланилади. Жаҳон банкининг 14.70-сонли оператив директивасида нодавлат ташкилотни «аҳолининг камбағал қатламларига ёрдамлашиш, уларнинг қийинчиликларини енгиллаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, асосий ижтимоий хизматларни таъминлаш, жамоалар ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган фаолият олиб борувчи жамоатчилик ташкилотларидир», дейилади. Кенг маънода бу ибора билан ҳар қандай нотижорат (даромад олишни мақсад қилиб қўймаган), ҳукуматдан мустақил бўлган ташкилот номланади.

Жаҳон банкининг белгилашича, нодавлат ташкилотлари – бу «ташкилотнинг ижтимоий қадриятларига асосланган, тўла ёки қисман хайриялар ҳисобига хатти-ҳаракат қиласидиган, жамоатчилик асосида ишлайдиган» ташкилотdir; «альтернизм ва ихтиёрийлик уларнинг асосий принципи бўлиб қолади». Агар миллий ва ҳалқаро ташкилотлар бошқалар учун хизмат қўрсатиш соҳаларида воситачилик қилиш билан шуғулланса, жамоавий ташкилотлар ўз шахсий манфаатларини ҳимоя килаётган индивидуумлар бирлашмасидир; уларга аёллар гуруҳлари, ўзаро ёрдамлашиш кассалари, ёшлар клублари, кооперативлар, фермерлар уюшмалари кабилар киради . ННТнинг яна бир функцияси

–бу янги ижтимоий-сиёсий тузилмаларни моделлаштириш, ижтимоий алоқаларнинг янги ноанъанавий шаклларини излаш ва синовлардан ўтказиш хисобланади. Ихтиёрий бирлашмалар ижтимоий ва ўз фаолиятини ўзи уюштиришга мослашганликлари учун улар ижтимоий экспериментлар ўтказишга, аҳоли ижтимоий фаоллигининг ўзини ўзи бошқаришига оид шаклларини излаш ва амалга оширишга мойил бўлади .

ХУЛОСА

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали соҳани жадал ривожлантириш, малакатлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Таъкидлаш жоизки, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутади. Шу боис фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Зоро, фуқаролик жамияти институтлари – нодавлат нотижорат ва сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ ва бошқалар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил қиласи, улар жамиятнинг ҳукуқий онги, маданиятини, ҳукуқий, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошишига, миллий ўзлигини англашига, маънавий ва маърифий тафаккурининг бойишига, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондирилиши ҳамда ўз келажагини ўзи бунёд этишига бевосита таъсир этади.

Бироқ, фуқаролик жамиятининг айрим хусусиятлари жамиятнинг хар қандай тизимиға хосдир, лекин улар ривожланишнинг турли босқичларида бўлиши мумкин. Масалан, бу сифатлар асл ҳолатида бўлса, тоталитар ҳолатда эса бу сифатлар бутунлай бостирилади. Фуқаролик жамиятининг хусусиятлари ғалаба қозонишга тайёр ҳолатда бўлиши мумкин ёки улар оддийгина синфий ижтимоий тизимнинг аниқ белгилари билан тўлдирилган бўлиши мумкин. Бу хусусиятлар факат демократик давлатда амалга оширилади ва ижтимоий тенглилка эришишда устунлик қиласи. Профессор М.Киргизбоевни таъкидлашича, замонавий фуқаролик жамиятини ташкилий-ҳукуқий асосларини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш масалалари муҳим вазифалардан биридир. Умуман олганда, ҳозирги замон илғор демократик мамлакатлари сиёсий фанларининг фуқаролик жамиятига оид талқинлари бир жойга бирлаштирилса, унда бу жамият қуидагича ифодаланади:

-даставвал, бу жамиятнинг барча соҳаларида мажбурий бўлмаган, аксинча, ихтиёрий равиша бирлашган ННТни ўз ичига олади;

-жамиятдаги барча соҳаларида инсоний ва ижтимоий институтлар ўзаро муносабатлар мажмуасидир;

-мустақил шахслар, ўзи танлаган ва мажбурий бўлмаган шахслардан иборат шаклланган ННТ ва фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларининг аралашуви таъсирлари ва бир қолипга солишларидан хуқуқий меъёrlар ёрдамида ҳимояланадиган жамиятдир. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, фуқаролик жамияти тушунчаси мураккаб ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб, маълум ривожланиш босқичларига эга ҳамда ўзини такомиллаштириб бораётган тушунча ҳамдир. Бу тушунча айниқса бугунги глобаллашув даврида юксак даражада ривожланмоқда. Чунки бу даврда инсонларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллиги, ижтимоий муносабатлардаги иштироки ўсмоқда. Буларнинг барчаси келажакда фуқаролик жамиятини ўсишига ривожланишига ва янги бир ривожланиш босқичига кўтарилишига хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. –“O’qituvchi” нашриёти, 2021.-464 б. – Б. 27.
2. Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. –Т.: 2009. –Б. 202.
3. Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. –Т.: O’qituvchi, 2012. –Б. 187.
4. Barber B.R. Civil Society: Getting Beyond the Rhetoric. A Framework for Political Understanding //Civic Engagement in the Atlantic Community. Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999. –P.5-6.
5. Dettling W. The "Burgergesellschaft": Scope for Reforming the Welfare State? //Civic Engagement in the Atlantic Community. –Bertelsmann Foundation Publishes Gutersloh, 1999. –P. 3-5.
6. Хабермас Ю. К разуму публичной сферы // Ax, Европа. Небольшие политические сочинения. -М. 2012. 27-31, 73,- 127с.
7. Warren M. Democracy and Association. –Princeton Univ. Press, 2001. –P. 56-58.
8. Қаранг: Ўша жойда. –Б. 33-34, 53.
9. Коэн Дж. Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. – М.: Весь Мир, 2003. –С. 458.
10. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. - Т.: Шарқ, 1998. -Б.11-12.
11. Конфуций. Лунь Юй. //Древнекитайская философия. В 2-х т. Т.1. – Автор: редактор Литвинова Л. В. М.: Мысль, 1972, - 170 с.
12. Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Урфон Отажон таржимаси. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 95.

13. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент, Янги аср авлоди нашриёти, 2019. 190 б.
14. Руссо Ж.Ж. Трактаты. –М., 1969. –С. 160, 162, 171, 193.
15. Асмус В.Ф. Историко-философские этюды. –М.: Мысль, 1984. –С. 119.
16. Гулыга А.В. Кант. –М.: Молодая гвардия, 1981. –С. 242-244.
17. Гегель Г.В. Философия права. –М.: Мысль, 1990. –С. 418.